

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

**«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» Акциядор Жамиятининг
2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا Ижобий фикр
билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» AJ
Бошқарув раисига**

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг
тўлиқ номи
Юридик манзили ва телефон
рақамлари

«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» AJ (кейинги
матнларда «жамият» деб юритилади)
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳари,
Юнус Обод тумани, Осиё кўчаси 42 уй.

Давлат томонидан рўйхатдан
ўтган гувоҳнома

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар
бошқармаси Мирзо Улугбек туман давлат хизматлари
марказидан 18.04.2019 йилда 713443-сон билан
рўйхатга олинган.

Банк реквизити

Ўр 2021 0000 9050 6261 1001, АТБ «Саноат-қурилиш
банк» нинг Тошкент шаҳар филиали, МФО 00424

СТИР
ОКЭД

СТИР
306 347 741
35140

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг
тўлиқ номи
Юридик манзили ва телефон
рақамлари
Давлат томонидан рўйхатдан
ўтган гувоҳнома

МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти

Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2,
тел: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан
11.12.2007 йилда №545 сонли гувоҳномаси билан
рўйхатдан ўтказилган.

Аудиторлик фаолияти
лицензияси

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан
2019 йил 11 апрелда куни берилган, барча хужалик
юритувчи субъектларда «Аудиторлик фаолияти билан
шугулланишга рухсат берувчи» №00811-сонли.

Банк реквизити

Ўр 20 208 000 604 400 007 713 001, «Davr-bank»
ХЕАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046
202884570

СТИР
ИФУТ

69202

Аудиторлик ташкилоти
раҳбари

Назаров Баҳодир, Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги томонидан 2014 йил 26-апрелда берилган
№05207 аудитор малака сертификатига эга.

Аудиторлик текширув гуруҳ
раҳбари

Маматов Алишер Данабаевич Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016
йил 29-октябрда берилган №№ 05436 аудитор
малака сертификатига эга.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Маматов А.Д., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган №05436-сонли «Аудитор малака сертификати»га ҳамда аудиторлик ташкилоти билан « O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari » АЖ ўртасида тузилган шартномага асосан « O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖнинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект « O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:

Хулоса тузилган сана:
06 июль 2020 йил



Б.Н.Назаров

А.Д.Маматов